

**“MAKTABGACHA TA'LIM
– MAKTAB – OLIY TA'LIM”
KONSEPSIYASI: MUAMMO,
YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI

2022-yil, 9-aprel

Buxoro – 2022

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA‘LIM FAKULTETI
BOSHLANG‘ICH TA‘LIM METODIKASI KAFEDRASI**

**MAKTABGACHA TA‘LIM – MAKTAB – OLIY
TA‘LIM” KONSEPSIYASI: MUAMMO, YECHIMLAR VA
ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMANI

MATERIALLARI

2022-yil, 9-aprel

Buxoro – 2022

этилиши.
«Ақлий ҳужум» методининг таркибий тузилмаси



«Ақлий ҳужум» методининг босқичлари:

Аниқ ва тўғри жавоб танлаб

1. Ўқувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Ўқувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Ўқувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат (ўқув қўлланма) . –Т., 2006.
2. Расулев А. А., Хайдаров М. М. Ўқитишнинг интерфаол методлари: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.– 47 б.
3. Ҳамдамова М. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш механизмнинг педагогик-психологик асослари (услубий тавсиялар), 2007.
4. Ҳодиев Б.Й., Болтабаев М.Р. “Олий ўқув юртидаги тарбиявий ишларга психологик ёндашувлар”. -Т.: 2009.

**КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ
ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Турдиева Моҳира Журакуловна

Бухоро давлат университети, Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Бугунги кунда таълим ташкилотлари педагоглари олдига турган долзарб масалалардан бири тарбияланувчиларнинг тафаккурларини ривожлантириш орқали уларнинг ижодий қобилиятларини янада ўстириш, мулоқотга тайёрлаш ва шу орқали бадий ривожланиш, дунёни бадий тасаввур этиш кўникмаларини шакллантиришидир. Ушбу мақолада креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурларини ривожлантириш орқали уларнинг тарбияланувчиларини ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш масалалари ва методлари ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: креативлик, ижодкорлик, мактабгача таълим, тарбия, тарбиячи, нутқ, мулоқот, ижодий ривожланиш, таълим, «деонтоc», «логос», таълимий топириқлар, билиш компетенциялари.

Бугунги кунда жамиятимиз ақлли ва ижодкор кадрларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож ва ҳозирги шароитда ижодкорлик масаласи ҳал қилиниши керак бўлган энг муҳим масалалардан биридир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мактабгача ёш ижодкорликнинг энг муҳим ва олтин давридир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал мослашувчанлиги уларнинг ижодий қобилиятлари ривожланиши учун кенг шароит яратади. Эрта ёшдан болаларнинг ижодий қобилиятлари куртак отишига туртки бўлувчи ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотларидан бошланиши бежизга эмас. Сабаби болалар ижодиёти уларнинг келажак ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ўз-ўзини қайта кашф этиш, ўзини намоён қилиш, олдида турган масалаларга креатив ёндашиш боланинг қизиқувчанлигини, ҳаётий мақсадлар билан олдинга интилишини таъминлайди.

Республикамызда глобаллашув шароитида юз бераётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар асосида олий таълим тизимида касбий ва методик фаолият самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларнинг креативлик потенциалини ривожлантириш юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараён бугунги кунда креатив ёндашув асосида олий таълим муассасалари талабалари таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устивор йўналишлари: ноформал (ўқитиш – асосий изланиш “Ҳамкорлик стратегияси” асосида ўқув жараёнига инновациялар, онлайн ўқитиш, тьюторли таълимга урғу берилиши) ва информал (ўқитиш – индивидуал ҳолатда ва шахсий) ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, болаларнинг нутқ орқали тафаккурини ривожлантиришнинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш, машғулотларнинг интеграциялашувини таъминлашнинг турли моделлари ва технологияларини яратиш заруратини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш” вазифаси белгиланиб, бу борада педагогларнинг креативлигини ошириш, таълим мазмунини такомиллаштириб боришда қулай шароитлар яратиш, педагогик деонтология(юнон. «деонтоc» - лойиқлик, муносиб, керакли, тегишли, «логос» - илм, таълимот)ни таъминлаш орқали кутилган натижаларга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

“Креативлик” атамаси шахснинг янгиликни яратиш қобилиятини англатади. Ўқитувчининг инновацион фаолиятида креативлик педагогик масалаларни кўра олиш ва уларни ностандарт тарзда еча олиш, асл ғояларни ишлаб чиқиш қобилиятида намоён бўлади. М.Е Кузнецовнинг таъкидлашича, педагогикада креативлик бу педагог ўзини фаоллаштиришнинг натижаси, ўқитувчининг педагогик қобилиятларининг бош кўрсаткичидир. Олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш, соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялашда ғоят муҳим вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Айтиш ўринлики глобаллашув, техноген цивилизация ёш авлод тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказаётгани сир эмас, бугунги кун боласини “ўтмиш эртаклари, воқеалари” билан алдаб бўлмайди, уларни реал воқеаларга асосланган маълумотлар қизиқтиради. Аксарият ҳолларда бир ёшли боламиз мобиль алоқа воситаларидан “фойдалана” олаётганлигини қувонч билан гапирамыз. Демак, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган замонавий ўқитувчилар олий таълим соҳасида кечаётган янгиланишларни билиши, ўз устида тинмай ишлаши, доимий ўзгариб турувчи ностандарт шароитларда амалий фаолиятга инновацион тайёрлигини таъминлаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда, бу эса қўшимча, ноанъанавий, параллел мустақил таълим тизимларини яратишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантириш жараёнининг ўзига хослиги дидактик имкониятига кўра янги таълим субъектлари: ўқитувчи–талаба–ота-она ҳамда фуқаро-шахс; талабалар жамоаси, педагоглар жамоаси; жамоатчилик бирлашмаларини таркиб топтириш билан боғлиқдир.

Мавзу моҳиятидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда педагогик атамалар луғатида “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларини жуда кўп учратамыз. Табиий савол туғилади, олий таълим муассасалари талабалари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда креатив ёндашувнинг ўрни қандай? Бунинг зарурияти нимада? Мазкур саволларга жавоб беришдан олдин “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларда “креативлик” ҳамда “креатив компетентлик” тушунчалари қўлланилади.

тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин:

Креативлик (лот., “create ” – яратиш, инг. “creative” – яратувчи, ижодкор) – шахнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

Шахнинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “ўқувчилар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидагилар ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.

Педагогик креативлик – педагогнинг аъъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли ўқувчилар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бу сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар ўқувчиларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги мумкин.

Шахсда креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш учун, энг аввало, уларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш талаб этилади. Ўқув материалларини ўқувчиларга тақдим этишда саволнинг “Агарда ...?” деб қўйилиши топшириқларни бажариш жараёнида уларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив фикрлаш кўникмаларини самарали ўзлаштиришларини таъминлайди.

Ўқувчиларга берилган ўқув топшириғини бир нечта вариантларда ҳал қилиш имкониятларини яратилиши ҳам улардаги креативликни шакллантиришда самарали натижа беради деб ҳулоса қилишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, креатив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг тафаккурини ривожлантириш ўқув-методик ресурслар мазмунини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш, модулли технологиялардан фойдаланиб олий таълим муассасалари ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Juraqulovna, Turdiyeva Mohira, and Turdiyeva Shahodat Jo'raqulovna. "BOLALARDA JISMONIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI." *БОШҚАРУВ ВА ЭТИКА ҚОЙДАЛАРИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ* 2.2 (2022): 1-5.
2. Jurakulovna, Turdieva Mokhira. "Pedagogical Creativity-Requirement of Today." *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION* 2.2 (2022): 236-240.
3. Турдиева М. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv asosida maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish modeli //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
4. Турдиева М. Maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda shaxsga yo'naltirilgan ta'limning o'rni //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
5. Turdiyeva M. J. TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK O'YINLAR VA ULARNING SHAXS RIVOJLANISHIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 990-995.
6. Turdiyeva M. J., Davronova G. M. Q. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR IJODIY QOBILIYATLARINI YUZAGA CHIQRISHDA O 'YINCHOQLARNING ROLI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 996-1002.

Inomova Mahliyo Yusuf qizi, Ermatova Mamlakat Qodirqulovna. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA TARBIYALANUVCHILARI TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI METODLARI.....	161
Отамуродова Ситора Султонмурод қизи. БАРМОҚ ЎЙИНЛАРИ БОЛА НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА.....	163
Xaydarova Shaxlo Narzullayevna. МАКТАБГАЧА YOSH DAGI BOLALARDA KREATIVLIK QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH MEХANIZMLARI	165
Haydarova Madina G’ulom qizi. МАКТАБГАЧА YOSH DAGI BOLALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI.....	167
Qodirova Fotima. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA JISMONIY TARBIYA MASHG’ULOTLARINI TASHKIL ETISH VA O’TKAZISHDA TA’LIMIY METODLARNI QO’LLASH.....	168
G.E.Rahmonova. OILADA VOLA TARBIYASIDA MILLIY AN’ANALARDAN FOYDALANISH.....	171
C.II.Xolmatova. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТА’ЛИМ РЕСУСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	173
D.Sh.Qurbonova. Maktabgacha yoshdagi bolalarda muloqot kompetensiyalarini shakllantirish usullari	174
S.A.Rahimova. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA MASHG’ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKLLARI.....	176
Amonova Muqaddam Shukurovna, Otamurodova Roza. BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ILG’OR TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	178
Сафарова Нигора Охунжоновна, Ибрагимова Захро Алишеровна. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ БОЛАЛАРИДА ЛАТИФАЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ.....	179
To’rayeva Charosxon. RAQAMLI AXBOROT DAVRIDA МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARGA TA’LIM-TARBIYA BERISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	181
N.T.Tosheva, Raxmatova Gulnoza. МАКТАБГАЧА TA’LIMDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI.....	182
G.T.Boymurodova, N.Z.Qodirova. O’QUV-TARBIYA JARAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISHNING PEDGOGIK IMKONIYATLARI.....	184
G.T.Yadgarova. МАКТАБГАЧА TA’LIMGА ZAMONAVIY PEDAGOGIK YONDASHUVNING AFZALLIKLARI	186
Ситора Давроновна Ниязова, Мирходжаева Наргиза. УГОЛОК ПРИРОДЫ КАК ЧАСТЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ РАЗВИВАЮЩЕЙ СРЕДЫ ДЕТСКОГО САДА.....	188
Турдиева Мохира Жўракуловна, Шаропова Рушана Расул қизи. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШҒУЛОТ –АСОСИЙ ТА’ЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА.....	190
Сидикова Дильноза Баходировна, Атаева Шахло Баходировна, Гафурова Д.Х. ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ	192
Nasimova Nasiba Qurbon qizi, Yuldasheva Munisa. MTTDA TASHKIL ETILGAN TECHNOLOGIYALAR ASOSIDAGI FAOLIYATLAR MAZMUNI	194
Yusupova Aziza Nodirjon qizi. МАКТАБГАЧА TARBIYA YOSHIDAGI BOLALARNING INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	195
Sidiqova Yulduz Sobirovna. O’YINLAR VOSITASIDA VOLA NUTQINI RIVOJLANTIRISHNING SAMARALI YO’LLARI	197
Sidiqova Yulduz Sobirovna. МАКТАБГАЧА TA’LIM YOSHIDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI	199
Sh.Sh.Murodova, N.Z.Qodirova. МАКТАБГАЧА TA’LIM JARAYONIDA SOG’LOM VA BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASH YOSHLARNING O’Z IJODIY VA INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RO’YOBGA CHIQRISH.....	200
Karimova Ozoda, Rajabova L.Ch. МАКТАБГАЧА TALIM TASHKILOTILARIDA HARAKATLI O’YINLARNI TASHKIL ETISH MAZMUNI.....	202

2 SHO’BA. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ VA O’RTA UMUMTA’LIM МАКТАВ

НАМКORЛИГИ, O’ZARO INTEGRATSIYADAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR..... 204

Азимов Юнус Юсупович, Юсуфзода Шабнами Юнус. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТА’ЛИМНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.....	204
---	-----